

АҚШда «Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф» жомеъ масжиди қурилади



21:41 / 23.04.2022 3099

Ҳозирда АҚШда сафарда бўлиб турган юртимиз уламолари Нью-Йорк шаҳрида ўтказилган Рамазон тадбирларидаги иштирокларини якунлаб, Синсиннатининг Огаё штатига йўл олдилар.

Ушбу штатда имом-хатибларимиз Синсиннати шаҳрида истиқомат қилаётган ватандошларимиз билан давра суҳбатларини ўтказиш, Рамазон ойи тадбирларида қатнашишлари кўзда тутилган.

Шунингдек, юртдошларимиз томонида ушбу шаҳарда «Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф» жомеъ масжиди қурилиши режалаштирилган. Ҳазрат номларига берилган масжиднинг тамал тошини қўйиб бериш учун имом-хатибларимиз иштирок этадилар.

Бизни кузатишда давом этинг!